



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Зомин тумани

2022 йил 14 ноябрь

4-1303-2201/1880-сонли иш

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдазов котиблигида, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Зарбдор туман бўлимининг жавобгар Зарбдор туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан 16 435 048,77 сўм миқдорида тўланган пенсия пулини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили И.Тошбоев (2022 йил 14 ноябрдаги 01/08-220-30-01-34/644-сонли ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар ва учинчи шахс вакиллари иштирокисиз, Зомин туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Зарбдор туман бўлими (кейинги ўринларда матнда “Даъвогар” деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Зарбдор туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб юритилади)дан 16 435 048,77 сўм миқдорида тўланган пенсия пулини регресс ундиришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга даъвогар томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах вилоят бошқармаси, жавобгар томонидан Жиззах вилоят Молия бошқармаси ва Жиззах вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида АТБ “XALQ BANK”и Жиззах филиали жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб-қувватлаб, жавобгарнинг фуқаро Жўраев Бўрибой Илёсовични муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш учун тақдим этган тақдимномасига асосан унга 2022 йил 18 февралдан 31 октябрь кунига қадар жами 16 435 048,77 сўм пенсия пуллари тўлаб берилганлигини, ушбу маблағларни Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан жавобгар даъвогарга тўлаб бериши лозимлигини маълум қилиб, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Иш ҳужжатларида жавобгар ва учинчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажримини олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддаси биринчи қисмига кўра, агар суд иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 170-моддаси учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда суд ишни жавобгар ва учинчи шахслар вакиллари иштирокисиз кўришни лозим деб топади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва суд муҳокамасидан аниқланишича, жавобгарнинг даъвогарга берган 2022 йил 18 февралдаги 1-сонли тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуннинг 49-моддасига асосан ва алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ҳодимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани қўллаган ҳолда 1962 йил 15 ноябрда туғилган фуқаро Жўраев Бўрибой Илёсовични муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш учун тақдим этилган. Фуқаро Б.Жўраев 2022 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан ишдан бўшатиш ва 2021 йил 14 сентябрдан ишсиз деб эътироф этилган.

Жавобгарнинг тақдимномасига кўра, ушбу фуқаро ишсиз деб эътироф этилгани ва муддатидан олдин пенсия тайинлаш учун тавсия этилганлиги сабабли даъвогар томонидан унга ёшга доир пенсия тайинланган ва ҳар ойда пенсия тўловлари тўлаб келинган. Жумладан даъвогарнинг маълумотномасига кўра, 2022 йил 18 февралдан 2022 йил 31 октябрга қадар бўлган даврлар учун фуқаро Жўраев Бўрибой Илёсовичга 16 435 048,77 сўм пенсия пуллари тўланган.

Ушбу пенсионерга тўланган пенсия тўловлари ҳар ойда пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун жавобгар томонидан даъвогарга ўтказиб берилиши лозим бўлса-да, бироқ жавобгар томонидан тўланмасдан келинган.

Даъвогар томонидан жавобгарга ушбу тўловларни ўтказиб бериш ҳақида талабномалар юборилган бўлса-да, бироқ жавобгар ушбу талабномаларни эътиборсиз қолдирган.

Натижада, даъвогар судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 16 435 048,77 сўм тўловларни жавобгардан ундиришни сўраган.

Даъво талаби асосли. Қарздорлик пенсионерга тўланган пенсия миқдорлари тўғрисидаги ҳамда акциядорлик тижорат “XALQ BANK”и Зарбдор филиалининг маълумотномалари, даъвогар вакилининг суддаги кўрсатмалари ва иш ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 66-моддаси 3-қисмига мувофиқ, пенсионер ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ёшга тўлгунига қадар ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Ўзбекистон



Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сонли Қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомнинг 16-банди талабига кўра, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳар ойда пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг 15-санасигача Пенсия жамғармасига мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган харажатларни қопловчи маблағларни ишсиз Қонуннинг 7-моддасида белгиланган пенсия ёшига етгунига қадар ўтказадилар, шунингдек ушбу Низомнинг 18-бандига кўра, Пенсия ҳисобда турган жой бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган пенсияларни тўлашга кетган маблағларни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларидан, улар томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ регресс даъво аризалари бўйича ундиришлари мумкинлиги белгиланган.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари ва иш ҳужжатларига асосан суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён қилинганларга асосан суд даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 16 435 048,77 сўм пенсия пулини ҳамда олдиндан тўланган 24 000 сўм суд почта харажатларини ундиришни, шунингдек жавобгардан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 328 701 сўм давлат божи ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176-179, 186-188, 192-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогарнинг даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Зарбдор туман бўлими фойдасига Зарбдор туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан 16 435 048,77 сўм пенсия пули ва олдиндан тўланган 24 000 сўм суд почта харажатлари ундирилсин.

Зарбдор туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 328 701 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.



Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, шу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор ишда иштирок этувчи шахсинг мурожаати бўлган тақдирда протест келтириш) қилишга ҳақли.

Раислик этувчи, судья

Ш.Х.Бегматов

Ҳужжат имзоланган: Бегматов Шомурод Хамдамович, 14.11.2022

